

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сайфиева Богдагул

НавДПИ тарих факултети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши талабаси

Инсоният тарихида ХХI-аср ҳаёт суръатларининг шиддатли ва мураккаб кечаётганлиги, ахборотларнинг ақл бовар қилмас даражада тез алмашинаётганлиги, кескин фикр алмашувлар юз бераётганлиги билан ҳам эътиборлидир. Ҳозирги глобаллашув даврида жамият халқаро терроризмга қарши муваффақиятли курашишни, уни таг-томири билан бартараф этишни, таҳдидга ўзига хос ёндашиб, унинг сиёсий, фалсафий, маънавий ва психологик асосларига қарши изчил мафкуравий ва ғоявий кураш олиб боришни тақозо қилади. Ер юзидаги “мафкура полигонлари” ни кучайиб бораётганлиги инсоният олдига ўзига хос бир таҳликали вазиятларни ечимини устида бош қотиришга сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат бугун глобаллашув ҳодисаси бўлган «оммавий маданият» тушунчаси бутун дунёда маънавий хавф-хатарга айланди. Бу ҳодисанинг пайдо бўлиши хусусида турли қарашлар мавжуд. Мазкур масалага оид тадқиқотчи олимлар томонидан ҳам бир қанча фикрлар келтириб ўтилган бўлишига қарамасдан уларнинг фикрларида ҳам “оммавий маданият” ни келиб чиқиш сабаблари илмий хилма хилликни ташкил этади. Ушбу масалаларга президентимиз тўхталиб ўтар эканлар “Афтидан, бугунги кунда хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабатда бўла олишнинг ўзигина етарли эмас. Мавжуд хавф-хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб етишимиз керак. Уларнинг манбалари ва алоқаларини вақтида аниқлашимиз даркор...хавфсизлик-узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз худуддир”¹ Биринчи Президентимизнинг ушбу фикрларини тўлиқ англаган ҳолда ҳозирги кунимизда тобора хавфли тус олаётган ва кенг кўламда тарқалаётган халқаро террорчилик, диний экстремизм ва фундаментализмга нисбатан ҳам айтилган методологик аҳамиятга эга бўлган кўрсатма ҳисобланади. Юқоридаги мулоҳазалардан ҳам ёшларимиз қалби ва онгини эгаллаш ғоявий курашнинг бош

мақсадига айланганлигини англаб этиш мумкин. Шундай шароитда ғайриинсоний ғояларга қарши тура олиш учун ёш авлод онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш марказий масалалардан бирига айланиб бормоқда... Иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади ва мафкуравий даҳлсизликни таъминлашга хизмат қилади. Мафкуравий иммунитет тизимининг, асосий ва биринчи унсури, бу билимдир, дейишади бир гуруҳ файласуф олимлар. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури бу ҳар бир шахсининг мустақил фикрга эгаллиги унинг бўлаётган воқеа ҳодисаларга ўзининг шахсий фикрини баён эта олиши лозим. Биринчи Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият -енгилмас куч” асарида инсониятнинг бугунги куни юксак технологиялар асри ёки ялпи ахборотлашув замонидан кўра, глобаллашув даври деган таърифга кўпроқ мос тушишини таъкидлайди. «Глобаллашув - бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир». Деган фикрлари ҳам ҳозирги кундаги бир қанча муаммоларни олдини олишдаги асосий мезонлардан биридир. Мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. “Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама қаршилиқлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг... кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қолмайди албатта”² Жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам ривожланишининг моҳияти, унинг суръатлари инсонларнинг маънавий камолоти даражасига боғлиқ бўлган. Ватан, миллат эса инсоният манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Бунинг учун эса ёшларимизда миллий маънавий қадрият уларда ўзига хос иммунитетни шакллантириш лозим. Ҳозирги кунда фуқароларимиздан иммунитетни ҳосил қила олиш холис ва етарли билимга эга бўлишлари глобаллашув жараёнидаги асосий шаклларида бири ҳисобланади.

Кейинги вақтда илмий адабиётда ва оммавий ахборот воситаларида «глобаллашув», «глобал дунё», «иктисодий молиявий глобаллашув»,

«аксилглобал ҳаракатлар», «маданий глобаллашув» каби иборалар кўп қўлланадиган бўлиб қолди. Ҳозирги даврда кўпчиликнинг бошини қотираётган бу муаммонинг маъномоҳияти нимадан иборат? XX асрнинг охири XXI асрнинг бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиб, тамаддуний босқич мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янги вазиётнинг вужудга келиши, атроф муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, информационмафкуравий ва динийэкстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши, хуллас, жамият ҳаётининг барча соҳалари иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини қамраб олган глобаллашув жараёни билан боғланмоқда. Дарҳақиқат, мазкур жараён глобал коммуникация тармоғининг вужудга келишига имкон яратган информацион инқилоб, капиталнинг интернационаллашуви, жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши, табиий захиралар тақчиллиги ва уларга эгалик қилиш учун курашнинг кескинлашуви, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, умумсайёравий фалокат хавфи кабиларда глобаллашув жараёнининг зиддиятли ҳамда мураккаб моҳияти намоён бўлади. XX асрнинг 70-йилларигача дунё мамлакатларининг иқтисодий ижтимоий ҳамда сиёсий тараққиёти ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасидаги ривожланиш суръатлари ёхуд уларнинг ўзаро муносабатлари даражасидан иборат жараён сифатида талқин этилар эди. Глобаллашув даврига келиб эса тараққиёт борасида ўзгача қараш воқеа ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган ҳолда, синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади. Негаки, назарий жиҳатдан қараганда, тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъи назар, халқаро меҳнат тақсимооти тизимига уйғунлашиб бораётган, хорижий сармояларни ўз иқтисодиётига изчил жалб этаётган ҳамда замонавий технологиялар сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун глобаллашув жараёни туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти туғилади